

**“ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА
ЁШЛАР МУСТАҚИЛ ДУНЁҚАРАШИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ
ТИЗИМИ ВА ОИЛАДАГИ МУАММОЛАР
ҲАМДА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ”**

**республика илмий-амалий
конференция материаллари**

36	Исмоилова Гулбахор Азамовна, Туронова Дилафруз Азамовна. Талабалар билим сифатини оширишда инновацион технологияларни қўллашнинг самарадорлиги	116
37	Kattaxonova Fotima, Xaydarova Nilufar. Ruhiy rivojlanishi sustlashgan bolalarning oilada ota-onalar bilan munosabatining oziga xosligi va tarbiyasiga ta'siri	119
38	Лутфуллина Альфия Ахмадфаридовна. Теоретические предпосылки становления лингвокультурологии как науки	121
39	Mirzaxonova Maxliyo. Bo'lajak pedagoglarda psixologik kompetentlikni shakllantirishning o'ziga xosligi	124
40	Obidova Barghon Rahmatovna. Ta'lim jarayoni va oilaviy tarbiya	126
41	Xusanov Rustam. Ta'lim tizimida inson resurslarini boshqarishning o'ziga xos xususiyatlari	128
42	Soliyeva Parizod. Ta'lim tizimida innovatsion menejmentni rivojlantirish masalalari	130
43	Толипова Озода. Мактабга таълим ёшдаги болаларнинг билиш жараёни ривожлантириш йўллари	132
44	Ismoilova Nilola Inomovna. Euphemisms and their position in the language	134
45	Шомуротов Шарофиддин Шукуржон ўғли. Глобаллашув жараёнида ёшларда сув ҳўжалигининг модернизация қилиниши бўйича билимларни шакллантириш омиллари	136
46	Xasanova Mahmuda Tuxtayevna. Ijtimoiy faol shaxs tarbiyasi va uni talabalar ongiga singdirishning zamonaviy axborot texnologiyalari	139
47	Нурматова Мадина Одилжон қизи. Ойлада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш мазмуни	143
48	Режабова Дилдора Исмоиловна. Ойлада ва бoғчада бола тарбиясида ўйиннинг аҳамияти	146
49	Ахмадалиева Барно Шарофиддинова. Атроф табиат билан таништириш дарсларида ўқувчиларга экологик тарбия бериш	149
50	Yakubjonova Feruza Ismoilovna. Maktabda va oilada yoshlarni sog'lom turmush tarziga o'rgatishda milliy sport o'yinlardan foydalanish	151
51	Каримов Исмоилжон Кадрлар тайёрлашда оила, мактаб ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги	154

“ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР МУСТАҚИЛ ДУНЁҚАРАШНИИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ОЙЛАДАГИ МУАММОЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ”

республика илмий-амалий конференция материаллари

(Кўкон ш., Кўкон ДШИ 2021 йил 28-29 апрель)

Масъул муҳаррирлар :

Д.Ш.Ходжаева, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор,
М.М.Аминова, Кўкон ДШИ доценти

Тахрир хайъати:

Н.Ш.Эркабаева, педагогика фанлари доктори,
З.Б.Қобилова, филология фанлари доктори,
З.Д.Бойтемирова, фалсафа фанлари номзоди,
И.И.Каримов, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Nashriyot litsenziyasi: AI № 271. 15.07.2015.

Qog'oz bichimi: 60×84 1/16.

Times New Roman garniturasida terildi.

Shartli bosma tabog'i: 10.

Buyurtma № 44. Adadi: 100 nusxa.

«Adabiyot uchqunlari» MChJ nashriyotida bosmaga tayyorlandi va chop etildi. Toshkent shahri Bunyodkor shoh ko'chasi

Social taboos constitute topics respected by people. Most significant are terms related to religion, where e. g. the name of *God* is substituted by expressions *Lord, the King of Glory, The All-Powerful*. According to Holder (Holder, 2008), fear of the devil made people replace his name by attributes like *Black Lad, Prince of the Darkness or Bad Man*.

Holder also characterizes euphemisms from a semantic point of view. He claims that euphemisms have their former, derived meaning, which has become an euphemism on the basis of association (e. g. *metaphors used for dying – to sleep, to go under, to leave the land*).

Euphemisms can be used either in spoken or written language. According to Crystal (Crystal, 2005), there are more euphemisms typical for spoken language in English because written language does not deal with slang or obscene vocabulary. Obscene words appear in a text only in the form of graphic euphemisms.

Euphemisms cover important events of human existence. As Alego (Alego, 2005) points out that they often appear in contexts referring to unhappiness of human life, like death or diseases, but they also refer to very emotive events such as birth.

1. Arsen'teva Yu. S. Frazеologizm-yevfemizmy v angliiskom i russkom yazykakh avtoref. diss. k. filol. n. Kazan, 2012. 23 s.

2. Baskova Yu. S. Evfemizmy kak sredstvo manipulirovaniya v yazyke SMI (na materiale russkogo i angliiskogo yazykov): avtoref. diss. k. filol. n. Krasnodar, 2006. 25 s.

3. Berdova N. M. Evfemizmy v sovremennoy nemetskom yazyke: diss. ... k. filol. n. Kiev, 1981. 230 s.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРДА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНИШИ БЎЙИЧА БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Шомуротов Шарофиддин Шукржон ўғли,
Кўкон ДПУ Масофавий таълим кафедраси ўқитувчиси

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган айтин пайтда дунё микёсида ирригация тизимини ривожлантириш, сув хўжалигини самарали бошқариш ва суғориш инфраструктурасини такомиллаштириш, деҳқончиликда агротехник тадбирларни қўллаш, суғорма ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича инновацияларни татбиқ этиш, ёшларда сув хўжалигининг модернизация қилиниши ҳамда сув ресурсларидан тежамли ва оқилона тарзда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, аграр

саноат ишлаб чиқариши, ижтимоий ҳаёт ривожланишининг асосини, шубҳасиз, сув хўжалиги тизими ташкил этади. Зеро, қишлоқ хўжалиги ва иктисодиётнинг тараққий этиши бевосита ирригация-мелиорация соҳалари билан узвий боғлиқдир.

Глобаллашув жараёнлари тобора кучайиб бораётган даврда бутунги кунда дунёнинг 1 млрд дан кўпроқ аҳолиси тоза ичимлик сувиёиз қийналмоқда. Бутунжаҳон Сув Кенгаши маълум қилишича, 2050 йилга бориб сайёрамиз аҳолисининг учдан икки қисми чучук сув танқислиги муаммосига дучор бўлади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, талаба ёшларда экология соҳасидаги Ўзбекистон учун Орол муаммоси энг муҳим масалалардан бири ҳисобланиши ҳақида тасаввурларни шакллантириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам «Қишлоқ хўжалиги бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир» дея таъкидлаган эди. Яна бир муҳим вазифа—сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг қўлладан иборат. Фермерлар кенгаши Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги, Инновацион ривожланиш вазирликлари билан ҳамкорликни кучайтириши, фермерларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиши лозим» лиги тўғрисидаги фикрлар билдириб ўтилган эди. Шундан хулоса қилишимиз зарурки, Марказий Осиё халқларининг сувга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш лозим. Ҳосилдорликка зиён етмаган ҳолда илғор технологияларни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги суғориш нормаларини қайта кўриб чиқиш керак. Томчилашиб, ёмғирлашиб суғоришда жуда қўл келадиган полиетилеи кувурларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришимиз зарур. Бу эса пахта, галла, мева-сабзавот экиларни суғоришда сув ресурсларидан тежаб, самарали фойдаланиш имконини беради.

Мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, фермерлар даромадини ошириш, халқимиз турмушини фаровонлаштириш, давлатимиз иктисодиётининг барқарор ривожлантириш имконини бермоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасидаги асосий муаммо сифатида Орол муаммоси тилга олинмоқда. Орол муаммосини атроф-муҳитга зарарли таъсирларини қамайтириш мақсадида Ўзбекистон Оролни кутқариш халқаро жамғармаси аъзо давлатларидан

бири сифатида, унинг фаолиятини ҳар томонлама мустақамлашга катта аҳамият бермоқда. Ўзининг жамғармадаги раислиги давомида (1997-1999 йй.) Ўзбекистон Орол денгизи ҳавзасида барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ҳукукий базасини ривожлантириш, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар билан алоқа ва ўзаро ҳамкорликни ўрнатгиш бўйича фаол ҳаракатларни амалга оширди. Жумладан, 1997 йил октябрда Тошкент шаҳрида Халқаро донорларнинг техник учрашуви ўтказилиб, унинг натижасида “Орол денгизи ҳавзасидаги сув захиралари ва агроф-мухитидан фойдаланиш” халқаро лойиҳасини амалга оширишга киришилди [2].

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 2008 йил мартда Тошкент шаҳрида Орол бўйича халқаро конференциянинг ўтказилиши Орол муаммосининг халқаро миқёсда кенг кўриб чиқирилиши учун анча катта туртки бўлди. Бунинг ишоти сифатида анжуманда 90 дан ортқ халқаро ташкилотлар, Япония, Германия, Хитой, араб мамлакатларининг давлат молиявий институтлари ва кўзга кўринган тадқиқот марказлари вакиллариининг иштирокини келтириш мумкин. Форум якунига кўра, Тошкент Декларацияси ва Орол фojeасининг аянчли оқибатларини бартараф этиш учун умумий миқдори 1,5 миллиард АҚШ долларига яқин бўлган лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутувчи ишлар режаси қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Глобал экология жамғармаси, турли халқаро ташкилотлари ва хорижий давлатларининг фаол кўмагида Оролнинг қуриган қисмида дефта сув захиралари инфраструктурасини кенгайтириш, зовур сувларини қайтариш, сув захираларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сахро кенгайтириш, чанг ва тузлар училишининг олдини олиш мақсадида дарахт экинзорлари майдонини кенгайтириш ва бошқа шу каби ишлар билан боғлиқ қатор лойиҳалар амалга ошириляпти. Юкорида кўрсатилган худуддаги нохуш ҳолатни соғломлаштиришга йўналтирилган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун фақат охириги ўн йил ичида доллар ҳисобида 1 миллиарддан зиёд маблағ, шу жумладан, хорижий сармоялар, техник кўмак ва грантлар ҳисобидан 265 миллион АҚШ долларига яқин маблағ сарфланди.

Ҳулоса қилиб айтганда, глобал иқлим ўзгариши сабабли мангу музликлар захирасининг камайиб бориши, аҳоли сонининг ўсиши ҳамда уларни тоза ичимлик сувининг камайиб бориши каби омилларни ҳисобга олган ҳолда, ёшларда сув билимларини ва сув ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро олдида сув

ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлигини мукаддас бурч даражасига олиб чиқишимиз зарур.

Марказий Осиёда сув тақчиллигига мослашини Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатларда биргаликда олиб бориш зарур. Сув тақчиллиги шароитида агроф-мухитни тоза сақлаш ва барча сув истеъмолчиларининг сувга бўлган талабини қондириш учун қуйидаги-ларга эътибор бериш тавсия этилади:

1. Худудларни ва иқтисодиёт тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ҳамда оқилона таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилашини ва барқарорлигини таъминлаш.

2. Агроф-мухит муҳофазаси ва сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича минтақавий қонунлар қабул қилиш.

2. Мамлакатларда сув ресурсларидан самарасиз фойдаланган ва агроф мухитга зарар етказганларга нисбаган катъий чоралар кўрувчи (ҳаттоки жиноий жавобгарликка тортувчи) умумий қонунлар ишлаб чиқиш.

3. Аҳолини сув тақчиллиги шароитида агрофни-мухитни тоза сақлаш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ўргатиш.

4. Сув хўжалигини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илгор технологиялар-ни жорий этиш талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиёт:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/4545898>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 12 февралдаги ПФ-5330-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/3586971>
3. www.lex.uz
4. www.notma.uz

ЎЛТМОЙ FAOL SHAXS TARBIVASI VA UNI TALABALAR ONGIGA SINGDIRISHNING ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

Хасанова Махмуда Тўхтайевна,
Nizomiy nomidagi Toshkent DPU stajyor tadqiqotchisi

Boy tariximizga asoslanib qat'iy ishonch bilan ayta olamizki, bu zamindan ko'plab buyuk allomalar: fozilu-fuzalolar, olimu-ulamolar, siyosatchilaru-tarixchilar, qahramonlaru-sarkardalar, davlat arboblariyu-